КУТУБХОНАСИ


БИТИРУВЧИЛАРНИНГ ФАЙЗЛИ ОҚШОМИ 3-бет

ТАДБИРКОРГА — ОМАД ЁР 4-5-бетлар

«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА КЎРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ 6-7-бетлар

ЯШИЛ МАЙДОНЛАРДА 8-бет



ДУШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 128 (10.181) / 2004 ЙИЛ 5 ИЮЛЬ


## ТОШКЕНТ САММИТИ ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ ТАШКИЛИЙ ЖИҲАТДАН ШАКЛЛАНИШИДАГИ МУҲИМ БОСҚИЧДИР

**Кейинги пайтда юртимизда халқаро миқёсдаги бир қатор муҳим сиёсий воқеалар бўлиб ўтганидан халқимиз яхши хабардор. Жумладан, Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг (ШҲТ) Тошкент саммити минтақамиз истиқболига доир қабул қилинган муҳим ҳужжатларга, халқаро терроризм ва экстремизмга қарши биргаликда курашиш, аъзо давлатлар ўртасида иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасидаги аниқ амалий натижаларга бойлиги, ишчанлик руҳида ўтгани билан бутун дунё жамоатчилиги эътиборини ўзига тортди.**

**Бу нуфузли учрашувнинг юксак савияда ўтиши ва умуман, мазкур анжумандан кўзланган мақсад ва вазифаларга эришишда саммит ишига раислик қилган Ўзбекистон раҳбарининг хизмати катта бўлгани ҳам кўпчилик томонидан ҳақли равишда эътироф этилмоқда. Айниқса, Президентимизнинг ушбу анжумандаги нутқида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти фаолиятини янада такомиллаштириш, халқаро терроризм ва диний экстремизмга қарши курашиш, минтақамиздаги иқтисодий ҳамкорликни кучайтириш бўйича илгари сурилган ғоя ва таклифлар саммит ишининг маъно-мазмунини белгилаш ва самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этгани шубҳасиз.**

**Юртбошимиз ўз нутқида саммит иштирокчиларига мурожаат қилар экан, кун тартибига қўйилган масалалар ҳақида тўхталиб, қуйидагиларни алоҳида таъкидлаб ўтди.**

Ўйлайманки, Тошкент саммити ШҲТнинг ташкилий жиҳатдан шаклланиши ва аввал тузилган ташкилий тузилмалар ва институтларни аниқ маъно-мазмун билан тўлдиришдаги якуний босқич сифатида тарихда қолади, деди Ислом Каримов.

Ҳозирги вақтда Пекинда ШҲТнинг котибияти иш олиб бормоқда.

Тошкентда Минтақавий антитеррор маркази тузилди. Ўтган давр мобайнида уч бор йиғилиш ўтказган Ташқи ишлар вазирлари кенгаши ўз олдига қўйилган вазифаларни изчил бажармоқда, ШҲТнинг Мувофиқлаштирувчилар кенгаши тезкор, ўта муҳим ишларни амалга оширмоқда.

Ушбу саммит арафасида ШҲТга аъзо мамлакатлар хавфсизлик кенгашлари котибларининг учрашуви ҳамда иқтисодиёт ва савдо вазирларининг мажлиси самарали ўтганини алоҳида қайд этиш зарур. Буларнинг барчаси ҳақида гапирганда, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўтган даврда бажарилган жами ишлар ШҲТ мамлакатлари, биринчи галда, Россия ва Хитой раҳбарларининг Шанхай ҳамкорлик ташкилотини ўз зиммасига шу минтақада яшовчи халқлар хавфсизлиги ва барқарорлиги ҳамда фаровонлигини таъминлаш масъулиятини олишга қодир бўлган нуфузли халқаро ташкилотга айлантиришга қаратилган қатъий иродаси ва азму шижоати туфайли амалга оширилди.

ШҲТ фаолиятининг истиқболи ва самарадорлиги кўп жиҳатдан БМТ Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзолари бўлмиш ана шу икки етакчи давлат — Россия Федерацияси ва Хитой Халқ Республикасининг фаол иштироки ва ҳамкорликдаги ҳаракатларига боғлиқ, десам, ўйлайманки, ҳеч қандай муболаға бўлмайди, деди Президентимиз.

Давлатимиз раҳбари, Марказий Осиёдаги вазиятга баҳо берар экан, бутун дунёда хавфсизлик ва барқарорликка таҳдид ва хавф-хатар ошиб бораётган бир шароитда бу минтақа ўзининг геосиёсий ва геостратегик аҳамияти ҳамда бой табиий-иқтисодий, минерал-хомашё ва биринчи навбатда углеводород захиралари туфайли халқаро ҳамжамиятнинг диққат марказида бўлиб келаётганини қайд этди. Хусусан, Афғонистондаги тикланиш жараёни билан боғлиқ масалаларга эътиборни қаратди.

Давоми 2-бетда.

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*

*ҚАРОРИ*

## УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ МЕҲНАТИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

**Умумтаълим муассасалари ўқитувчиларининг, энг аввало, бошланғич синфлар ўқитувчиларининг меҳнатини моддий рағбатлантиришни янада кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. 2004 йил 1 сентябрдан бошлаб:

бошланғич синфлар ўқитувчиларига амалдаги ҳар ойлик устамалар Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткаси бўйича тариф ставкасининг 5 фоизидан 20 фоизигача миқдорда;

умумтаълим муассасалари ўқитувчиларига синф раҳбарлиги учун амалдаги ҳар ойлик қўшимча ҳақ энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизидан 100 фоизигача миқдорда;

умумтаълим муассасалари ўқитувчиларига дафтарларни текширганлик учун амалдаги ҳар ойлик қўшимча ҳақ энг кам ойлик иш ҳақининг ўрта ҳисобда 30 фоизидан 50 фоизигача миқдорда оширилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ушбу қарорга мувофиқ 2004 йил 1 сентябрдан бошлаб умумтаълим муассасалари ўқитувчилари иш ҳақига устамалар ва қўшимчаларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар учун бюджетдан зарур маблағлар ажратсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 20 августдаги 409-сон қарори 1-бандининг умумтаълим мактаблари ҳамда барча тур ва номдаги мактаб-интернатларнинг ўқитувчиларига қўшимча ҳақ тўлашга доир қисми ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда амалдаги қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.С.Азимов ва А.А.Азизхўжаев зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 2 июль.

*«Истиқлол умидлари-2004»*

## АРДОҒИМДА, ҚАЛБИМДА ВАТАН

**Ушбу шиор остида ўтган шанба куни пойтахтимиз бўйлаб битирувчиларнинг «Истиқлол умидлари» фестивали бўлиб ўтди. Президентимиз ташаббуслари билан тўртинчи маротаба ўтказилган ушбу фестиваль Ўзбекистон Президенти девони матбуот хизмати, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Марказий ҳамда Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан ташкил этилди.**



Даставвал «Истиқлол умидлари - 2004» фестивалининг ўзига хос тус олганини айтиб ўтиш керак. Ўзбекистон Миллий боғида Алишер Навоий ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйилиши билан бошланиб, фестиваль эстафетаси «Наврўз» мажмуасидан Юнусобод ва Миробод туманлари мактаблари битирувчилари иштирокида «Туркистон» саройининг ёзги эстрада саҳнасида давом этди. Тадбирнинг сўнгги босқичи Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг спорт мажмуасида Акмал Икромов, Бектемир, Мирзо Улуғбек, Собир Раҳимов ва Ҳамза туманлари мактаб битирувчилари учун ташкил этилган катта концерт орқали поёнига етди.

Мустақиллигимизнинг биринчи куниданоқ халқимиз янги ҳаёт, янги жамиятни, келажагимизни жаҳон ҳамжамиятининг узвий бир қисми сифатида ўз қўли билан барпо этишни азму-қарор қилиб, бундай юксак мақсадларга эришишда биринчи ва энг муҳим вазифани - ўз мустақил фикрига эга, мустаҳкам иродали, чуқур билимли, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш йўлида саъй-ҳаракат қилди ва бугунги кунда бу борадаги эришилган ютуқлар узоқни кўзлаб тузилган режаларимизнинг тўғри ва ҳаётийлигидан далолат беради. Юқори савияда ташкиллаштирилган бундай улкан фестивалнинг асосий ғояси этиб Ўзбекистон Президентининг иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг ўн тўртинчи сессиясида ҳаётга катта орзу-умидлар билан кириб келаётган ёшларимизга қаратиб айтган қуйидаги сўзлари асос қилиб олингани ҳам бежиз эмас: «Эй болам, сенинг Ватанинг битта - барчамизга азиз, бетакрор мана шу Ўзбекистон. Ота-боболарингнинг хоки шу ерда ётибди. Шу муқаддас замин сени дунёга келтирган, сен уни обод этишинг, ҳимоя қилишинг шарт. Нафақат сенинг ўз ҳаётинг, балки сенга умид кўзини тикиб турган ота-онанг, опа-сингилларинг, ёш гўдаклар, нуроний қарияларимизнинг ҳаёти ҳам ана шу бурчингни нечоғлик адо этишингга боғлиқ».

Давоми 3-бетда.

## ХХI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

● Тошкент Ислом университетида «Ислом» энциклопедиясининг тақдимоти ўтказилди. Шуни таъкидлаш керакки, энциклопедияни тайёрлашда юртимиздан 280 нафар тарихчи-олимлар, шарқшунослар, исломшунослар, филологлар ва файласуфлар иштирок этди.

● Қорақалпоғистон Республикаси ғаллакорлари давлат хирмонларига қарийб 65 минг тонна ғалла етказиб бериб, ўз шартномавий мажбуриятларини бажардилар.

● «Камолот» Ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент вилояти Кенгашининг фаоллари ва мутахассис-шифокорлардан ташкил топган тарғибот гуруҳи 3 кун давомида Бўстонлиқ, Ўрта Чирчиқ, Паркент, Оҳангарон, Пскент ва бошқа туманлардаги болалар соғломлаштириш оромгоҳларида махсус ўқув дастурлари бўйича машғулотлар ўтказдилар.

● Бухородаги нефтни қайта ишлаш заводи Бухоро нефть ва газ саноати коллежига ўқув-услубий қўлланмаларни сотиб олиш учун 10 миллион сўм маблағ ажратди.

● Поп туманида жойлашган Ўзбекистон-Швейцария-Туркия ҳамкорлигидаги «Искововуттекс» қўшма корхонаси жаҳон бозорида ўз ўрнини топиш борасида дадил одим ташлади. Корхона ўз маҳсулотининг 95 фоизини хориж мамлакатларидаги тўқимачилик корхоналарига экспорт қилишни режалаштирган.

### Жаҳонда

● Шу йил 1 июлдан бошлаб Европа Иттифоқига Голландия мамлакати раис бўлди.

● Грузия парламенти ўзининг навбатдан ташқари мажлисида Ажария мақоми тўғрисида қонун қабул қилди. Унга кўра, Ажарияга Мухтор Республика мақоми берилди.

● Чеченистон Давлат Кенгаши Республика мадҳиясини тасдиқлади.

● Польшалик ҳарбий хизматчилар Ироқда таркибида зарин заҳарли гази бўлган ўндан ортиқ снарядларни топишди. Ҳозирда мазкур снарядлар муфассал текширувдан ўтказилмоқда.

● Грецияда бўлиб ўтадиган олимпиада олови Хельсинкидан Москвага келтирилди. Махсус танловда ғолиб чиққан 150 нафар югурувчилар уни керакли манзилга элтишди. Энди олимпиада олови ўз йўналишини бошқа давлатлар орқали давом эттиради.

● Аёллар катта теннисида Россия даври бошланди. Жуда нуфузли Уимблдон турнирида 17 ёшли россиялик Мария Шарапова тажрибали Серена Уильямс (АҚШ)ни енгиб ғолиб бўлди.

# ТОШКЕНТ САММИТИ ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ ТАШКИЛИЙ ЖИҲАТДАН ШАКЛЛАНИШИДАГИ МУҲИМ БОСҚИЧДИР

Давоми. Боши 1-бетда.

Воқеалар ижобий йўналишда ривожланаётганига қарамай, Афғонистон вазиятни барқарорлаштириш ва мамлакатни тинч йўл билан қайта тиклаш учун жиддий ёрдамга эҳтиёж сезмоқда. Бу заминда гиёҳванд моддалар ишлаб чиқариш ҳажми ортиб бораётгани, айниқса, катта хавотир уйғотади.

Минтақа мамлакатларидаги вазиятга хавф соладиган халқаро террористик, экстремистик ва айирмачи кучларнинг фаоллашаётгани ҳам қаттиқ ташвиш уйғотмай қолмайди.

Ислом Каримов ҳозирги кунда ҳар бир мамлакатнинг ва бутун минтақанинг манфаатларини инобатга олган ҳолда, коммуникация ва транспорт соҳаси, сув-энергетика ва хомашё заҳираларидан, инсоний салоҳиятдан оқилона фойдаланишга доир лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ҳаракатларни ўзаро келишиш ва мувофиқлаштириш масалалари тобора долзарб аҳамият касб этаётганини таъкидлади. Минтақага хорижий капитал ва инвестицияларни жалб этиш, шу мақсадда бу ҳудуддаги барча мамлакатлар учун умумий бўлган шарт ва қоидаларни шакллантириш лозимлигини уқтириб ўтди.

Марказий Осиё ҳар бири ўзига хос тарихий, этник-маданий илдизларга, диний ва ижтимоий турмуш тарзига, ўз менталитетига эга бўлган мамлакатлар ва халқлар яшайдиган минтақа эканини доимо ёдда тутиш муҳим, деди Ўзбекистон Президенти. Уларнинг ҳар бири вазмин, жуда эътибор билан, таъбир жоиз бўлса, ҳурмат-эҳтиром билан ёндашишни талаб қилади.

Марказий Осиёда юз бераётган кўплаб воқеаларни тушунишнинг калити ва минтақада барқарорлик ва хавфсизликни сақлаш борасидаги мураккаб муаммоларнинг ечими кўп жиҳатдан ана шундай ёндашув замирида мужассам, десак, хато бўлмайди.

Айнан ана шу омилларни ҳисобга олмайдиган барча ташаббуслар, ўйлайманки, самарали ва муваффақиятли бўлмайди.

Биз шунга қатъий аминмизки, ШҲТнинг биносини кўтариб турадиган асосий устунлар, энг муҳим йўналишлар — хавфсизлик ва иқтисодиёт бўлиши зарур. Ана шу икки устун ёки таъбир жоиз бўлса, араванинг икки ғилдирагига таянган ҳолдагина, ШҲТ фаолиятининг самарадорлиги ва унинг халқаро нуфузини, шиддат билан ўзгараётган дунёдаги вазиятга мос тарзда ҳаракат қилишини таъминлаш мумкин.

Ислом Каримов Ўзбекистон ШҲТнинг устувор вазифаси сифатида эълон қилинган халқаро терроризм, экстремизм, айирмачилик ва гиёҳванд моддалар савдосига қарши муросасиз курашни сўзсиз қўллаб-қувватлашини таъкидлади.

Бугун ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарлари иштирокида расмий очилиш маросими бўлиб ўтган Минтақавий антитеррор марказининг фаолияти айни ана шу мақсад ва вазифаларга қаратилган, деди давлатимиз раҳбари. Ва ушбу тузилма фаолиятини такомиллаштириш ҳақида тўхталиб, жумладан, қуйидаги амалий таклиф ва мулоҳазаларни илгари сурди.

Минтақавий антитеррор тузилманинг ўз вақтида ишга туширилиши ШҲТга аъзо барча мамлакатларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари, давлат раҳбарларининг бу масалага шахсий эътибори туфайли амалга ошди.

Минтақавий антитеррор тузилманинг мақоми, энг муҳим фаолият йўналишлари ШҲТнинг давлат бошлиқлари даражасида тасдиқланган асосий ҳужжатлари билан белгилаб берилган. ШҲТнинг турли даражадаги учрашувларида Минтақавий антитеррор тузилма фаолиятини бевосита шакллантириш ва ташкил қилиш билан боғлиқ жами 9 та ҳужжат қабул қилинди.

Ижозатингиз билан Минтақавий антитеррор тузилма фаолиятининг баъзи муҳим томонларига тўхталиб ўтмоқчиман.

Минтақавий антитеррор тузилманинг муваффақиятли фаолият олиб боришининг энг муҳим шарти — бизнинг Марказий Осиё минтақаси ва бутун дунёдаги хавфсизлик ва барқарорликка қарши қаратилган хавф-хатар ва таҳдидларга умумий ва ягона ёндашув ва карашимиз, десам, умид қиламанки, умумий фикрни айтган бўламан, деди Юртбошимиз.

Мамлакатларимиз ва халқларимиз хавфсизлигига бир хилда таҳдид солаётган хатарларнинг умумийлигини англаш бизни бирлаштириши зарур ва шарт.

Иккинчидан, Минтақавий антитеррор тузилмани ШҲТ мамлакатларининг тегишли хизматлари вакиллари — қўйилган вазифаларни юксак профессионал даражада ҳал этишга қодир бўлган юқори малакали мутахассислар билан тўлдириш ўта долзарб аҳамиятга эга. Минтақавий антитеррор тузилманинг бош идораси ходимлари уларни вакил қилиб юборган мамлакатлар пойтахтларидаги ўз ҳамкасблари билан боғланиш, мулоқот қилиш ва доимий алоқада бўлиб туриши жуда муҳим.

Учинчидан, биз ишонамизки, фақат махсус хизматлар ва ҳуқуқ-тартибот идоралари ўртасидаги юқори даражадаги ишонч ва яқин ҳамкорликкина тезкор аҳамиятга эга бўлган ахборотлар билан ўз вақтида алмашиш, турли хавф-хатарларга қарши олдиндан зарба берадиган тадбирларни ҳамкорликда аниқ режалаштириш ва амалга оширишни таъминлайдиган ҳақиқий самарали алоқаларни йўлга қўйиш имконини беради.

Тўртинчидан, Минтақавий антитеррор тузилма БМТ, АСЕАН, Интерпол, Европол сингари етакчи халқаро ташкилотларнинг антитеррор марказлари билан амалий ҳамкорлик учун очиқ бўлиши лозим.

Бешинчидан, агарки халқаро терроризм ва унинг ортида турган экстремистик марказлар ва кучлар катта молиявий ва бошқа ресурсларга, ўзгараётган вазиятга қараб тез шаклини ўзгартириш ва мослашиш қобилиятига эга бўлса, бундай бало-қазога қарши курашиш уларга махсус кўптомонлама ҳамкорлик усулларини ва биринчи навбатда олдиндан пайини қирқиш ишларини қўллашни талаб қилади.

Ва ниҳоят, олтинчидан, ШҲТ иш юритишнинг фақат куч ишлатиш ва ҳуқуқ-тартибот усуллари билан чекланиб қолмаслиги лозим. Муаммога кенгроқ қараш зарур. Бизнинг назаримизда, терроризмнинг мафкуравий негизи ва манбаларини таг-томири билан қўпориб ташлаш учун бутун бир тадбирлар мажмуи, жумладан, маънавий-маърифий, таълим, тарғибот-ташвиқот йўналишидаги ишларни амалга ошириш лозим.

Минтақавий антитеррор тузилманинг муваффақиятли ишлаши учун зарур шарт-шароитлар яратиш бўйича Ўзбекистон бундан кейин ҳам бор куч ва имкониятларини ишга солади, деб ишонтириб айтмоқчиман, деди мамлакатимиз раҳбари.

ШҲТ доирасида террорчиликка қарши кураш борасидаги ҳамкорлигимиз истиқболлари ҳақида сўз борар экан, менинг назаримда жуда муҳим ҳисобланган қуйидаги масалаларга эътиборингизни қаратмоқчиман, деди Ислом Каримов ўз фикрини давом эттириб.

Биз фақат террорчилик кўринишларининг ўзига, портлашлар содир этиб, бегуноҳ одамларнинг умрига зомин бўлаётганларга қарши кураш билан чекланмаслигимиз керак. Булар аслида биз терроризм деб атайдиган найзанинг бир учи, холос.

Авваламбор, нафрат ва террорчилик мафкурасини яратаётган кўп сонли радикал ва экстремистик марказларга, одамларнинг онгини заҳарлаётган ва биринчи галда ёшларни йўлдан оздираётган, айтиш мумкинки, бўлажак террорчиларни тайёрлайдиган бамисоли конвейер яратаётганларга қарши курашиш даркор.

Ўзбекистон Президенти ҳеч қайси мамлакат наркоагрессия, халқаро террорчилик, диний экстремизм ва айирмачилик каби иллатларнинг бир ҳудуддан бошқа ҳудудга ўтишига бефарқ қарайдиган шунчаки "транзит" бўлолмаслиги ва бўлиши ҳам мумкин эмаслигини алоҳида таъкидлади. Афсуски, баъзи қўшни ҳудудларда бу борада ўзгача фикрлар ҳам қулоққа чалинмоқда. Ёвузлик найзаси ҳозирча гўё бошқаларга қаратилганига ишониб, бундай офат ва таҳдидларга қарши қатъий курашдан ўзини четга олишга уриниш хатарли хато бўлиши мумкин. Чунки хавфсизлик яхлит ва бўлинмайдиган тушунча эканини ҳаётнинг ўзи такрор ва такрор исботламоқда. Шу боис ШҲТнинг жавобгарлик ҳудуди деган тушунча истеъмолга киришга ҳақли ва бунинг учун барча асослар бор.

Энди ШҲТнинг иқтисодий тузилмаларини кучайтириш зарурати ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман, деб Президентимиз саммит иштирокчилари эътиборини яна бир муҳим масалага қаратди. Марказий Осиё умумий бозорини шакллантиришни биз бу вазифани тубдан ҳал этишнинг ечимларидан бири деб биламиз. Бу вазифанинг амалга оширилиши, бизнинг назаримизда, минтақа мамлакатлари ва халқларининг туб стратегик манфаатларига мос келган бўлур эди. Россия, Хитой ва бошқа мамлакатларнинг фаол иштирокида умумий бозор тузиш бугун амалда бўлган тор миллий доирадаги бозорлар ўрнига минтақада товарлар ва хизматларнинг, меҳнат ва сармоянинг ягона ёндашув, ягона қонуний меъёр ва қоидалар жорий этилган йирик ва жуда кенг кўламли бозорини шакллантириш имконини беради.

Шу тариқа хорижий сармоя ва илғор технологияларни жалб этиш учун кенг имкониятлар очилади. Бу эса пировардида иқтисодиётни барқарор ўстириш ва одамлар турмуш даражасини оширишни таъминлашга ижобий таъсир кўрсатади.

Ислом Каримов Ўзбекистон томони саммит йиғилишида Марказий Осиё ҳудуди орқали ўтадиган йирик транспорт-коммуникация лойиҳалари, транспорт йўлаклари ва йўналишлари борасида илгари сурилган ғоя ва таклифларни қўллаб-қувватлашини таъкидлади. Бу ғоя ва таклифлар ўз навбатида ШҲТга аъзо давлатлар билан Европа Иттифоқи, Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни кучайтирувчи омилга айланиши мумкинлигига эътиборни қаратди.

Афғонистонни минтақавий муаммоларни ечишга жалб этиш, мамлакатни тинчлик йўли билан қайта тиклаш жараёнида зарур ёрдамни кўрсатиш мақсадида ШҲТ давлатларининг Афғонистонга кўмаклашиш бўйича ўзаро келишилган аниқ қўшма лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган ҳамкорлик дастурини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти тузилганига уч йил бўлди, деди Ислом Каримов ўз нутқини якунлар экан. Ўтган давр мобайнида эришилган асосий натижа шуки, ШҲТ амалий фаолият кўрсатаётган нуфузли халқаро ташкилот сифатида шаклланиб бўлди. Ишончим комилки, ҳозирги шиддат билан ўзгараётган дунёда халқларимиз фаровонлиги йўлида муносиб ўрин эгаллаш учун ШҲТ, шубҳасиз, катта имкониятларга эга.

Ўз навбатида шуни ҳам айтиш керакки, давлатимиз раҳбари нутқида кўтарилган масалалар ижросини таъминлаш, авваламбор, минтақамизда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти фаолиятига янгича маъно-мазмун бахш этиш, унинг самарадорлигини оширишдек эзгу мақсадларга хизмат қилади.

ЎзА

## Пойтахтнинг бир куни

Янгиликлар, воқеалар

### Қисқа сатрларда

● **БУГУН** Бектемир тумани Марказий кутубхонасида «Бектемир» маҳалласи фаоллари ҳамда битирувчи синфлар ўқувчилари иштирокида «Ёшликнинг қадрига етинг» номли давра суҳбати бўлиб ўтди.

● **МИРЗО** Улуғбек номли Ўзбекистон Миллий университетида «2003-2004 ўқув йили якунлари ва янги ўқув йили вазифалари» мавзуида профессор-ўқитувчилар иштирокида анжуман ўтказилди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонини бажариш бўйича Яккасарой туманидаги 18 та маҳаллада тушунтириш, тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Хусусан, «Қушбеги», «Бошлиқ», Усмон Носир маҳаллаларида ана шундай тадбирлар уюштирилди.

● **«ЎЗБЕКИСТОН** Ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси ҳамда франциялик шу соҳа мутасаддилари ҳамкорликларида «Тошкент—Париж» авиайўналиши бўйича янги самолёт қатнови йўлга қўйилди.

● **ТОШКЕНТ** Давлат юридик институтида янги «Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили» журналининг тақдимоти бўлиб ўтди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

*Таълим*

## ИСТИҚЛОЛ ТАРАННУМИ

**Юртимиз Мустақиллигининг ўн уч йиллиги олдидан қатор янги бадиий асарлар яратилмоқда. Таниқли адиб ва шоир Омон Мухтор эса Истиқлолимизга бағишлаб иккита асарни ёзиб тугатди.**

Бу шеърий асарлардан бири «Буюк бир муҳаббат» деб номланди. Мустақиллик шарофати мазкур достон муаллифга катта илҳом бағишлади.

Иккинчи достон «Манзара» номи билан аталади. Унда ҳам шоирнинг қалб садоси шеърий лавҳаларда тараннум этилган.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг навбатдаги назм кенгашида бу ҳар икки асар муҳокама қилиниб, нашр этишга тавсия қилинди.

## ПАРИЖДА ЯНГРАГАН ТАРОНА

**Ўзбекистонлик таниқли композитор Дмитрий Янов-Яновский учун бу йил ижодий жиҳатдан сермазмун келди. У янги ёзган «Орган ва торли оркестр учун концерт»и ҳам композиторнинг ижодий ютуғи бўлди.**

Шуниси диққатга сазоворки, бу асарнинг Париждаги ижроси ҳам муваффақиятли ўтди. Гап шундаки, Париж шаҳрининг озодлиги куни муносабати билан Францияда катта мусиқа кечаси уюштирилди. Унда жаҳондаги қатор мамлакатлар композиторлари ўз асарлари билан қатнашдилар.

Мамлакатимиздан тақдим этилган «Орган ва торли оркестр учун концерт» ҳам мусиқа шинавандалари эътиборини ўзига тортди.

Бу ижодий сафар чоғида 2005-йили Тошкентда ўтказиладиган «Илҳом XX» халқаро санъат фестивали билан боғлиқ масалалар ҳам кўрилди. Бу мусиқа байрамида француз бастакорлари ҳам янги асарлари билан қатнашадилар.

## ЁРУҒ ЮЗ БИЛАН

**«Меҳр ва мурувват йили» дастури доирасида иқтидорли болаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган тадбирлар ҳам амалга оширилмоқда. «Соғлом авлод учун» жамғармаси томонидан тайёрланган маданий-оммавий режа бўйича ёш истеъдодли рассомлар камолотини таъминлашга киришилди.**

Тошкентдаги 110-мактаб ўқувчиси Оксана Бердицкаяга ҳам ҳомийлик кўмаги кўрсатилмоқда.

Украина «Батькившина» маданият марказининг қўллаб-қувватлаши билан ёш рассомнинг кўргазмаси ташкил этилди.

Ушбу марказ томонидан ўтказилган ижодий кўрик ҳам истеъдод эгаси маҳорати учун жиддий синов бўлди. Харьков шаҳрида уюштирилган «Ёркин бўёқлар жилоси» болалар ижоди фестивалида ҳам ёш рассом ўз асарлари билан иштирок этди.

Унинг «Мен пластилин билан расм чиздим» деган кўргазмаси яқинда Тошкентда намойиш қилинди.

**Акбар АЛИЕВ**

# АРДОҒИМДА, ҚАЛБИМДА ВАТАН

Давоми. Боши 1-бетда.

Маълумки, инсон болаликдан, мактаб чоғидан шаклланиб боради. Шу нуқтаи назардан ҳам умумтаълим мактаблари амалиётига махсус «Миллий истиқлол ғояси» фани киритилди. Мустақиллик ғоялари билан яшаш, мамлакатимизда рўй бераётган ўзгаришларга ўз дахлдорлигини англаш, Ватани келажагига масъул бўлиш - «Миллий истиқлол ғояси» дарслари айнан шу мақсадларга йўналтирилгандир ва таъкидлаш жоизки, у мазмунан бугунги педагогик талабларга тўлиқ жавоб беради. «Агарда соғлом ва ҳар томонлама камол топган, бой тарихимизни чуқур биладиган, ўзининг маданий мероси, миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қиладиган, ўз билими ва интеллектуал салоҳияти билан ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялай олмасак, биз ўз олдимизга қўйган мақсадларга эриша олмаймиз».- Президентимизнинг ўқитувчилар ва мураббийларга қаратиб айтилган ушбу сўзлари, шубҳасиз, барча ёш авлоднинг ўқиши ва тарбияси учун масъул бўлганларнинг қалбидан жой эгаллаган.



- Бугунги битирувчилар мен учун жуда қадрли, - дейди 109-мактаб директори Санобар Шарипова. - Мен учун улуғ бўлиб қолган бу даргоҳнинг остонасига биринчи бор бу йилги битирувчилар таваллуд топган йил қадам қўйганман. Ўқитувчиликни 17 йил аввал шу, 109-мактабдан бошлаганман. Муҳайё, Камола, Шерзод, Жамшид, Саида - 26 нафар битирувчилар 11-синфни битиргунга қадар кўз олдимда шаклланди ва уларнинг ҳар бири ўз орзу-умидлари сари иродали, матонатли инсон бўлиб етишишларига ишончим комил. Ўз навбатида, яқинда қабул қилинган мактаб таълимини ривожлантириш Миллий дастури, ўқитувчиларни рағбатлантириш тўғрисидаги қарор яна бир бор биз, педагог кадрларга бўлган ҳурмат ва эътиборнинг ёркин ифодасидир. Ўсиб келаётган авлодни баркамол қилиб тарбиялаш бизга ишониб топширилган экан, биз бор куч-ғайратимиз билан ишлашга сўз берамиз.

- Ҳар йили мана шундай - кўз ёши билан ўз болаларимдай яқин бўлиб қолган ўқувчиларимни мустақил ҳаётга кузатаман, - деди 159-мактаб директори Раиса Ким. - Ёркин, лекин заҳматли йўлга уларни кузатар эканман, мактабда олган билимлари ва сабоқларини фақат яхши ишларга, эзгу ниятларга ишлатишларини ва албатта бахтли бўлишларини истаб қоламан... Таъкидлаш ўринлики, ёшларга берилаётган катта имкониятлар, яратилган шарт-шароитлар уларни илм олишга, юксак чўққиларни эгаллашга ошиқтирмоқда ва бу табиийдир, зеро бугунги тараққиёт жараёнлари вақти шуни тақозо этмоқда...



Юқорида билдирилган фикрларнинг бари етти блокдан иборат фестивалнинг дастурида намоён бўлди. Унда ёшлар қалбида она Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат туйғуларини акс эттирувчи таниқли ва ёш санъаткорлар куй-қўшиқлари билан бирга мамлакатимиз ҳарбий қўшинлари вакиллари, халқаро танловлар совриндорлари, жаҳон ва Европа чемпионлари, Зулфия номидаги, «Ниҳол» мукофотлари совриндорлари - бизнинг ғуруримиз ва ифтихоримиз бўлган ўғил-қизларимиз, шунингдек мустақил ҳаётга илк қадам босаётган ва келажаги порлоқ бўлган битирувчилар иштирок этди.

-Аввалом бор «Истиқлол умидлари» фестивали ташкилотчиларига тенгқурларим номидан ташаккур билдирмоқчиман, - деди 159-мактаб битирувчиси Аббос Исамуҳамедов. - Бу кунни ва айнан шундай байрамни биз кутган эдик ва бу орзуимизга етишдик ҳам. Ҳар бир инсоннинг ҳаётида бир маротаба сўнгги қўнғироқ бўлади... Мактабимиз ҳам, синфимиз ҳам кўп миллатли. Ҳар доим биз умумхалқ байрамларимизни ҳамда анъанавий корейс, рус, яҳудий, арман миллати байрамларини биргаликда ва ҳамжиҳатликда нишонлашга ўрганиб қолганмиз ва бундай мулоқот бизга жуда кўп сабоқ берди. Бўлажак касбимга келсак,молиячи бўлмоқчиман. Молия институтига киришга ишончим комил, бу борада мактабда олган билимларим, айниқса математика фанини яхши ўзлаштирганим менга пойдевор бўла олади...



- Бугун биз учун жуда қувончли кун - биз катта ҳаётга қадам қўймоқдамиз, - дейди яна бир битирувчи Муҳайё Жамолова. - Мен оилада катта фарзандман. Демак, ота-онамнинг умиди ҳам катта. Меҳрибон устозларимдан жуда миннатдорман. Уларнинг берган сабоқларини ҳаётимда қўллаб, Ватаним равнақи учун ҳиссамни қўшишга ҳаракат қиламан. Мен Жаҳон тиллари университетининг хорижий филология факультетига кириб тил ўрганмоқчиман. Айтишадику, «Тил билганни эл севар», деб. Қолаверса, келажакда орзуларим катта. Барча битирувчиларга омад ёр бўлишини тилаб қоламан.

...Шу куни фестиваль доирасида янграган сўнгги қўнғироқнинг жарангдор овози, шубҳасиз шаҳримиз бўйлаб узоқ-узоқларга таралди. Сўнгги қўнғироқ бу шунчаки белги эмас, балки тинчлик, барқарорлик ва ёркин келажакка интилиш рамзидир. У мустақил ҳаётга биринчи қадам қўяётган ўсмир ёшлар, шунингдек, ҳар биримиз учун ҳам чуқур маънони англатади. Зеро, мактаб остонасини ўз пайтида ҳар биримиз катта орзу-ниятлар билан босиб ўтганмиз.

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА**

**СУРАТЛАРДА: «Истиқлол умидлари-2004» битирувчи ёшлар фестивалидан лавҳалар.**

**Муҳаммад Амин (ЎзА) ва Сергей Любчич олган суратлар.**

*Европа чемпионати*

## ГРЕЦИЯ — ШОҲСУПА ТЎРИДА

**Кеча Лиссабон шаҳридаги замонавий «Да Луш» стадионини лиқ тўлдириб ўтирган 63 мингга яқин ишқибозлар янги Европа чемпионини олқишлаш лаҳзаларини орзиқиб кутардилар.**

Мутахассису мухлисларнинг аксарият қисми таркибидан кўплаб юлдузлар ўрин олган, қолаверса ўз майдонида тўп сураётган Португалия термасининг ғалабасини башорат қилгани сир эмас. Қолаверса, гуруҳдаги дастлабки учрашувда Греция термаси рақибларини 2:1 ҳисобида аламли тарзда енгган, финал беллашувида португалияликлар ушбу ўйиннинг ўчини ҳам олишлари керак эди. Иккинчи томондан эса, грекларнинг ўйинлари тобора очилиб бораётгани, хусусан, сўнгги учрашувда жуда кучли чехларни енгганликлари ҳам финал баҳсининг чинакам курашларга бой, деярли тенг рақибларнинг беллашувига айлантириши тайин эди.

Кутилганидек, баҳс Португалия термасининг ҳужумлари билан бошланди. Бироқ греклар ҳимояда аниқ ўйнашар, қарши ҳужумлари эса хавфли эди. Таъкидлаш жоизки, майдон эгаларининг ҳужумларида қатъият ва тезкорлик етишмасди. Шу ўринда португалияликлар майдонга фақат бир ҳужумчи — Паулета билан тушган бўлса, греклар таркибида учта ҳужумчи ҳаракат қилгани ҳам жамоалар тактикасидан далолат берарди.

Яна бир қизиқ жиҳат шундан иборат эдики, Португалия термаси бош мураббийси бразилиялик Луис Фелипе Сколари 2002 йилда ўз мамлакатини жаҳон чемпионлигига олиб чиққан, ушбу ўйиндаги ғалаба эса Сколарининг жаҳонда ягона ҳам дунё, ҳам қитъа чемпионлигига эришган мураббий бўлишига замин яратарди...

Майдонда грекларнинг эркин, рақибларидан ҳеч чўчимай тўп сураётганини кўрган кўпчилик ишқибозларнинг юнонларга меҳри тушган бўлса ажаб эмас. 18-дақиқада Ангелос Харистеаснинг дарвозабон билан яккама-якка чиқиб, ҳисобни очишига оз қолгани ҳам Греция термаси мухлисларини тўлқинлантириб юборди. Уларнинг дарвозабони Никополидис эса барча мураккаб вазиятларда ҳам бехато ўйин кўрсатди.

Деярли тенг курашлар остида ўтган биринчи бўлим 0:0 ҳисобида поёнига етди.

Иккинчи бўлимни греклар янада уюшқоқлик билан ўтказдилар. 57-дақиқада чап қанотдан чиқарилган бурчак тўпидан унумли фойдаланган Ангелос Харистеас боши билан чиройли гол киритган ҳолда ҳисобни очди.

Португалияликларнинг сўнгги имкониятларини ишга солишдан ўзга иложлари қолмади. Майдонга Руи Кошта ва Нуну Голмиш сингари тажрибали, ҳужумкор чарм тўп усталари туширилди.Бироқ кеч эди...

Майдон эгалари қанчалик ҳаракат қилишмасин, ҳисобни тенглаштира олишмади. Ҳатто, ўйин охирида қўшиб берилган беш дақиқа вақтдан ҳам унумли фойдаланишмади.

Шундай қилиб, XII Европа чемпионатида илк бор Греция терма жамоаси ғалаба қозонди. Жамоа сардори, учрашувнинг энг яхши ўйинчиси Теодорис Загоракис қитъа Кубогини кўтарган, Греция ва Португалия терма жамоалари ўйинчиларига УЕФА президенти Леннарт Юханссон ва португалиялик афсонавий футболчи Эйсебио олтин ва кумуш медалларни топширган лаҳзалар ишқибозлар ёдида узоқ вақт сақланиб қолишига шубҳа йўқ.

Дарҳақиқат, кучли, ғалаба сари интилган жамоа ҳақли равишда ғалаба қозонди. Жаҳон эса Грециянинг Никополидис, Деллас, Басинас, Загоракис, Карагунис, Харистеас каби юлдузларини кашф этди. Европа чемпионатининг Португалия, Греция, Чехия, Голландия, Швеция термалари иштирокидаги бетакрор ўйинлари эса футбол тарихидан ўзининг муносиб ўрнини топади.

**Дилшод ИСРОИЛОВ**

*Футбол*

## ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

**Маълумки, кузда Малайзияда футбол бўйича ёшлар ўртасида қитъа биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтади. Ушбу нуфузли турнирда мамлакатимиз шарафини иқтидорли мураббий Рауф Инилеев етакчилигидаги Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси ҳимоя қилади.**

Ўқув-машғулот йиғинларини хорижий жамоалар иштирокида уюштириш мақсадида Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Симферополга боришга қарор қилди. Тўққиз кунлик йиғин давомида ёш футболчиларимиз Украинанинг биринчи лига жамоалари билан 4 та ўртоқлик учрашувларини ўтказишади. Улар якунлангач Рауф Инилеев шогирдлари Австрияга йўл олишади. Австрия футбол академияси жамоалари ҳамда 1983 йилда туғилган ёшлар билан уюштириладиган қизиқарли баҳслар Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси аъзолари учун маҳорат мактаби бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

## МАРАТ БИКМАЕВ — САМАРАДА

**«Пахтакор» ва Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси аъзоси, моҳир ҳужумчи Марат Бикмаев айни кунларда Самара шаҳрида «Крилья Советов» жамоаси таркибида мураббийлар синовидан ўтмоқда.**

Дарвоқе, Марат «Крилья Советов» жамоаси таркибида Германияда ўтказилган ўқув-машғулот йиғинларида иштирок этиб «Бохум» жамоасига қарши кечган ўйинда майдонда ҳаракат қилди. Ўқув-машғулот йиғинлари тугагач Марат Бикмаев «Крилья Советов» жамоасига қабул қилинадими йўқми, буни вақт кўрсатади.

**(Ўз мухбиримиз)**

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туманидаги 254-ўрта мактаб томонидан 1995 йилда Собиров Қаҳрамон Рустамджанович номига берилган 11-синфни битирганлик тўғрисидаги АО № 223435 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

«Конструктор» илмий-ишлаб чиқариш корхонаси жамоаси корхонанинг бош энергетиги **Анваржон НИҒМОНОВнинг** бевақт вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Газетанинг навбатдаги сони 7 июлда чиқади.

## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**Давлат Мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузуридаги «POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси 2004 йилнинг 6,9,13,16,20,23,27,30 июль ва 3,6,10,13,17,20,24,27,31 август кунлари ўтказадиган аукцион савдоларига қуйидагилар қўйилади:**

- Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига қарашли Солиқ коллежининг 1984 йилда ишлаб чиқарилган давлат белгиси 10AI 473 бўлган «ГАЗ-24» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 343 843 сўм;

- «Тошинвестқурилишбутлаш» унитар корхонасининг 1988 йилда ишлаб чиқарилган давлат белгиси 10AI 382 бўлган «КАВЗ-3270» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 1 230 000 сўм. Шунингдек 1982 йилда ишлаб чиқарилган давлат белгиси 10AI 385 бўлган «ГАЗ-53А» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 874 000 сўм;

- Тошкент шаҳар тиббий меҳнат экспертиза хизматининг 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 03-29 ТНГ бўлган, «ВАЗ-2121» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 541 000 сўм;

- Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш давлат комиссиясининг 1980 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AH 339 бўлган ГАЗ-24 русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 500 000 сўм;

- Тошкент шаҳар, Султония кўчаси, 24-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Ишлар бошқармасининг хўжалик ҳисобидаги моддий-техника таъминоти идорасининг 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AS 506 бўлган ГАЗ-3102 русумли. Бошланғич нархи 2 000 000 сўм;

- Банкрот деб эълон қилинган «Литейщик» ширкатига қарашли «XIN TUO» русумли минитрактор. Бошланғич нархи 3 327 492 сўм;

Тошкент шаҳар, Амир Темур кўчаси, 101-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига қарашли автотранспорт воситалари:

- 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10AR 039, 10AR 038, 10AR 033, 10AR 034 бўлган тўртта УАЗ 31514-10 русумли автотранспорт воситалари, ҳар бирининг бошланғич нархи 1 140 476 сўмдан;

- 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10AW 140 бўлган УАЗ 31514-10 русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 380 159 сўм;

- 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10AR 027 бўлган ВАЗ 21213 русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 1 829 990 сўм;

- 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10AR 021 бўлган Эсперо 2000 русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 2 625 000 сўм;

- Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Олмачи кўчасида жойлашган, ободонлаштириш ишлари учун мўлжалланган, майдони 0,018 га. ер участкасига фойдаланиш ҳуқуқи. Бошланғич нархи 1 801 800 сўм.

Юқоридагиларга қўшимча тарзда 2004 йилнинг 6,10,13,17,20,24,27,31 август ва 3,7,10,14,17,21,24,28 сентябрь кунлари ўтказадиган аукцион савдоларига қуйидагилар қўйилади;

- Банкрот деб эълон қилинган «Саноат Қурувчи» ОТАЖнинг 1976 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 63-24 ТНМ бўлган ГАЗ-52-01 русумли махсуслаштирилган автотранспорт воситаси, бошланғич нархи 552 500 сўм.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун аризалар қабул қилиш ер участкаларига савдодан бир кун аввал соат 18-00 да, автотрнспорт воситаларига савдодан бир соат аввал тўхтатилади. Савдолар соат 11-00 да бошланади.

Савдода қатнашиш истагини билдирган талабгорлар ер участкалари учун бошланғич нархидан 5 % миқдорида, автотранспорт воситалари учун бошланғич нархидан 10% миқдоридаги закалат пулини «POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонасининг «Ўзуйжойжамғармабанк» Тошкент шаҳар бўлимидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар.

**Савдо Тошкент шахри, Миробод тумани, Мовароуннахр кўчаси, 16 «А» уйда ўтказилади.**

**Телефонлар: 133-23-40; 133-02-49.**

## "ИШЛАБ ТОП!"

**Жаноб тадбиркорлар ва муҳтарам корхона раҳбарлари!**

Биз навқирон, иқтидорли, ғайратга тўла ёшлармиз. Бизга фақат Сизнинг тажриба ва кўмагингиз етишмаяпти. Ғайрат ва тажрибани бирлаштириш вақти келди. Чунки бу — муваффақиятга олиб борувчи энг қисқа йўл.



KAMOLOT TOSHKENT SHAHAR BO'LIMI



**Тошкент шаҳар "КАМОЛОТ"и тадбиркорларга "Ишлаб топ" ижтимоий акциясида фаол иштирок этиб, ёшлар учун мавсумий иш ўринларини тақдим этишини таклиф қилади.**

**Қўшимча маълумотларни**

137-72-20, 137-72-21

**телефон рақамлари орқали алоқа марказидан олишингиз мумкин.**
**Ёки ушбу вебсайтлардан акция ҳақидаги ахборотга эга бўлишингиз мумкин:**

www.tashkentkamolot.uz
Www.2oxygen.com
www.kvn.uz

**Акцияда қатнашган тадбиркорларга "Тасвир" нашриёт уйининг барча нашрларида реклама жойлаштириш учун имтиёзлар берилади.**

## ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

*газеталари таҳририяти реклама агентларини ишга қабул қилади.*

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95

## ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ

*Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!*

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
M.B.M

## «ТОШКЕНТ ШАҲАР МУНИЦИПАЛ БИРЖА МАРКАЗИ»

### Сизларни биржа савдоларига таклиф этади

**Биржа савдоларига «Автомакон» савдо-ярмарка мажмуаси шўъба хўжалик жамиятининг Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Янги Сергели кўчаси, 3-уйда жойлашган автомажмуа ҳудудидаги майдони 18 кв.метрдан бўлган қуйидаги товар турлари сотиш учун мўлжалланган турғун савдо дўконлари қўйилган:**

— кийим-кечак ва пойабзал моллари;
— газмоллар;
— канцелярия моллари;
— электр ва хўжалик моллари;
— маиший кимё тозалаш моллари;
— озиқ-овқат моллари;
— «DAEWOO» авто-эҳтиёт қисмлари;
— авто улов аксессуарлари;
— чет-эл авто улов эҳтиёт қисмлари;
— «ГАЗ», «ВАЗ» ва «Москвич» авто-эҳтиёт қисмлари;
— авто лак-бўёқ маҳсулотлари;
— автошина ва ғилдираклар.

**Ҳар бир савдо дўконнинг бошланғич баҳоси — 3 000 000 сўм.**

**Шунингдек, Биржа савдоларига қуйидаги кўчмас мулк ва бошқа объектлар қўйилган:**

Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Ҳ.Олимжон кўчаси, 11-уйда жойлашган, майдони 1 642 кв.метр бўлган «Нур» мажмуаси;
Бошланғич нархи — 750 000 000 сўм;

Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, И.Франко кўчаси, 38а-уйда жойлашган «O'zdavlatta'limloyihaqurilish» МЧЖнинг 90 фоизлик давлат улуши;
Бошланғич нархи — 1 514 250 сўм;

"Руслан Шамшади" хусусий корхонаси балансида бўлган қуйидаги дастгоҳлар:

— СМЖ-357 дастгоҳи, бошланғич нархи — 1 400 221 сўм,

— Токарлик-револьверли 1Г 340 П дастгоҳи, бошланғич нархи — 5 338 396 сўм.

**Биржа савдоларининг савдо сессиялари ҳафтанинг ҳар иш кунида соат 11-00 дан 12-00 гача ҳамда 16-00 дан 17-00 гача "Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази"да бўлиб ўтади.**

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16а-уй.**
**Телефон: 133-46-61, 132-25-51, факс: 133-20-74.**
**Сайт: www.tshmbm.uz; Эл.почта: info@tshmbm.uz ва Birja@mail.tps.uz**




**Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги**

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

***ТЕЛЕФОНЛАР:***
хатлар — 133-29-70;
эълонлар: 133-28-95, 136-57-65.
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
2812 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**

Буюртма Г-809. 1 2 3 4 6